

Туркия Венесуэла пойтахтида масжид қуради



14:55 / 05.12.2018 2444

Бу ҳақда Туркия Президенти Ражаб Тойиб Эрдўғон Венесуэла раҳбари Николас Мадуро билан Каракасда ўтказган қўшма матбуот анжуманида маълум қилди, деб ёзади Daily Sabah.

“Венесуэла ҳукумати илтимосига биноан, биз пойтахт Каракасда янги масжид қуриш бўйича ишларни бошлаб юбордик. Ҳозирда масжид учун ҳудуд танланмоқда”, деди Эрдўғон журналистларга берган интервьюсида. Шуниси диққатга сазоворки, Туркия ва Венесуэла муносабатлари жуда ҳам яқин бўлиб, бу айниқса Мадуронинг Фаластин масаласига бўлган муносабатида яққол намоён бўлади. Эрдўғон Венесуэлани Лотин Америка ва Кариб денгизидаги энг яқин ҳамкори сифатида кўришини маълум қилган.

Islom.uz портали таҳририяти